

● «Янги Қозоғистон»ни бирга қурамиз!

МАМЛАКАТ ДЕВОНИНИНГ ФАОЛИЯТИ БЮРОКРАТИЯДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

Давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-тамойилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маъмурий тўсиқлар ва сансалорликни бартараф этиш мақсадида давлат девонини бюрократиядан тозалаш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди.

Фармон давлат девонида қарорларнинг қабул қилинишини жадаллаштириш, давлат органлари биринчи раҳбарларининг мустақиллиги ва шахсий масъулиятини ошириш, ҳужжатлар айланмасини қисқартиришни таъминлайдиган тизимли ва амалий чора-тадбирлар мажмуасини назарда тутди.

Хусусан, давлат органларига юкланган вазифалар ижросини жадаллаштириш мақсадида қонунчилик даражасида уларнинг вазифаларини рақамлаштирган ҳолда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Бюджет жараёнларининг муддатлари ва босқичлари икки барабар қисқартирилади. Шу билан бирга, идоравий ҳисоботларни тизимлаштириш ва автоматлаштириш назарда тутилган.

Давлат органларига ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни сўрашни тақиқлаш жорий этлади. Қоғоз ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади.

Давлат органлари раҳбарларини масофавий ишлаш учун воситалар ва шарт-шароитлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бу борада олиб борилаётган ишларда давлат бошқарувининг барча соҳаларини рақамлаштириш ва тизимли равишда ислохотлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишнинг асосий манфаатдорлари оддий фуқаролар бўлади. Бундан ташқари, Фармонда белгиланган чора-тадбирлар давлат хизматчиларини яқиний натижага таъсир қилмайдиган ортиқча тартиб ва вазифадан озод қилади, шунингдек, давлат девонини Давлат раҳбарининг сиёсий ва иқтисодий ислохотларини самарали амалга оширишга қаратилишини таъминлайди.

Қайд этиш зарурки, Фармон оддий ва раvon тилда ёзилган бўлиши билан бир қаторда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани замонавийлаштириш, минтақаларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар 18 йўналишга тизимланган ҳолда ёритиб берилганлиги натижасида уни оддий фуқаро ҳам тез англаб етишига шароит яратилган.

Энг муҳими, маъмурий ислохотларнинг амалга оширилиши орқали эришиладиган натижалар Президент Мактубида илгари сурилган мақсад-вазифаларга тўла мос келади.

Жумладан, истиқболда «Янги Қозоғистон»нинг янги давлат бошқаруви тизимини яратиш, уни тўрачиликдан холи қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш тизими фаолиятининг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш, инновацион ғоялар, технологиялар тизимини жорий этиш, энг аввало, уюшган жиноятчилик кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шакллариин жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ПОЙТАХТДА
«ТИНЧЛИК МУСИҚАСИ»

Нур-Султан шаҳрида 100 миллат созанда-ларининг «Тинчлик мусиқаси» концерти ўтади. Бу ҳақда Нур-Султан шаҳар маданият бошқармаси раҳбари Санат Шапашов маълум қилди.

– Биз Гиннесснинг рекордлар китоби билан музокаралар олиб бордик. Жаҳон динлари етакчилари қуролтойида жаҳонда илк бор 100 хил миллатга мансуб мусиқачилар дастаси тузамиз, – деди Санат Шапашов.

ЖОРИЙ ЙИЛДА
ҲАРБИЙ НАМОЙИШ
ЎТКАЗИЛМАЙДИ

Пойтахтимизда бу йил Ғалаба кунига бағишланган ҳарбий намоиш ўтказилмайди, дея хабар қилади Қозоғистон Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати.

«2022 йилда Қозоғистон Республикаси Қуролли Кучларининг 30 йиллиги ва 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалаба кунига бағишланган ҳарбий намоиш ўтказиш режалаштирилмаган», дейилади хабарда.

САХОВАТ ВА
ОЛИЙҲИММАТЛИК

«Қозоғистон халқига» жамоат жамғармасига 126 млрд. тенге тушди. Бу ҳақда жамғарма раиси Бўлат Жамишев маълум қилди.

Маблағнинг асосий қисми йирик тўловчилар томонидан ўтказилган.

– Жамғармамизга пул ўтказган барча қозоғистонликларга миннатдорчилик билдирамиз. Барча маблағлар хайрия мақсадида ишлатилади, – деди Б. Жамишев.

МДХ ДАВЛАТЛАРИГА
ЭКСПОРТ
ҚИЛИНАДИ

ҚОРА СЕДАНА ЁҒИНИНГ
ФАН ИСБОТЛАГАН
9 ФОЙДАСИ

“СЎЗ ТУЗАЛДИ,
ТИНГЛОВЧИ
СЕН ҲАМ ТУЗАЛ...”

2-бет

6-бет

7-бет

TURKISTAN

janubiy.kz

Жанубий
Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2022 йил 16 апрель, шанба. №41 (3094).

ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ КЕНГАШИ КОТИБИЯТИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Осиеда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари кенгаши котибияти ижройи директори Қайрат Сарибайни қабул қилди.

Президентга Осиеда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари кенгаши котибиятининг жорий фаолияти ҳақида маълумот берилди. Кенгашнинг 12-13 октябрь кунлари Қозоғистон пойтахтида ўтадиган VI Саммитига тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда Кенгашни Осиедаги ҳамкорлик бўйича тўла ҳуқуқли халқаро ташкилотга айлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Бу муҳим вазифани амалга ошириш Қозоғистон раислигининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Қайрат Сарибай Қасим-Жўмарт Тўқаевга саммит арафасида Кенгашга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари билан ўтказган учрашувлари ҳақида ахборот берди.

Дипломат, шунингдек, Ташкилотнинг иқтисодий йўналишини жонлантириш масалаларига тўхталди ва июнь ойида «Astana Financial Days» халқаро анжумани доирасида ташкилотнинг Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши ва бизнес анжуманини ўтказиш режасини қўллаб-қувватлагани учун Президентга миннатдорчилик билдирди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

30 МИНГ ТОННА ШАКАР ЗАХИРАСИ МАВЖУД

заводини ишга туширишни режалаштирганмиз. Шу тариқа, 3 та корхона ички бозорни шакар билан тўлиқ таъминлайди, – деди у.

Вазирлик тақдим этган статистик маълумотларга кўра, мамлакатда шакарнинг йиллик истеъмоли 530 минг тоннани ташкил этади.

– 380 минг тонна шакар хориждан келтирилади. Импортнинг 85 фоиздан зиёди Россияга тегишли. Ушбу давлат томонидан ша-

24 kz.

НОН БАҲОСИ 90 ТЕНГЕДАН ОШМАСЛИГИ КЕРАК

тенгедан сотмоқда. Шу тариқа, 36 минг тонна бугдойни ҳудудларга арзон баҳоларда етказиб бериш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимликларидан келган мурожаатларга кўра, январь-сентябрь ойларида арзон

бугдойга талаб 275 минг тоннани ташкил этмоқда, – деди Назгул Хатепова. – Ижтимоий нон белгиланган баҳода сотилишини назорат қилиш маҳаллий ижро ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли “Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида”-ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Сўзоқ тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 17 апрель кун соат 11.00да Шўлоққўрғон қишлоғида “Ту тўғиры” майдонида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 17 апрель кун соат 12.00да Шўлоққўрғон қишлоғидаги тарихий-ўлкашунослик музейида Сўзоқ тумани аҳолисини шахсан қабул қилади.

Туркистон вилояти ҳокими Умирзақ Естайули Шўкеевнинг Байдибек тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 17 апрель кун соат 16.00да туман Маданият уйи ёнидаги Мустақиллик майдонида ўтади, шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 17 апрель кун соат 17.00да Маданият уйида Байдибек тумани аҳолисини шахсан қабул қилади.

Қабулга аввалдан тегишли 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 15 апрелгача соат 9.00дан 19.00 ораллиғида (та-наффус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исм-шарифи, савоел мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

● Президент топшириқлари амалда

САРҲАДЛАРИМИЗ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН ДЕБ



Ҳуқуқий тартиб ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштириш кенгашида чегара масаласига доир муаммоларни ҳал қилиш йўллари муҳокама қилинди. Хусусан, чегара ҳудудидаги ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолатлар кўрилди. Чегаранинг айрим қисмларида муҳандислик-техник панжараларнинг йўқлиги, миграция масала-

лари, чегарадан ўтиш тартиби, чегара ҳудудидаги криминоген аҳвол таҳлил қилинди. Ўзбекистон билан чегарадош Сариоғоч, Келес, Чордара, Мақтаарал ва Жетисай туманларидаги давлат идораларининг фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Мажлис якунида чегара хавфсизлигини кучайтириш, миграция қонунлариға ўзгартиришлар киритиш, чегарада мах-

Туркистонда давлат чегара ҳудудида ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш ва муҳим масалаларни ҳал қилиш доирасидаги ишлар муҳокамасига бағишланган мажлис ўтди. Вилоят прокурори Марат Алиханов раислигида ўтган мажлисда вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ваколатли орган, бошқарма раҳбарлари, туман, шаҳар ҳокимлари ва прокурорлар иштирок этишди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

Қазигурт туманининг ҳокими Арман Абдуллаев Алтинтўбе ва Жанабазар қишлоқлари аҳолиси билан учрашди. Савол-жавоб тарзида ўтган учрашувдан аввал Қазигурт туманида ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача видеолапха намоиш этилди.

Учрашувлар ва шахсий қабул давомида аҳоли экин майдонлари, ичимли сув, Келес дарёси каналини созлаш, ички кўчаларни асфальтлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Ҳоким ҳар саволга алоҳида жавоб бериб, масалаларни мақбул ҳал қилиш юзасидан тегишли бўлимларга топшириқлар берди.

Туман раҳбари ҳар чорак сайин туман вакиллари билан учрашувлар ўтказиб туришини маълум қилди. Тадбир давомида кўтарилган масалалар эътиборга олиниб, улар бўйича махсус баённомалар тузилиб, ҳар бир масалани ҳал этиш юзасидан ишлар олиб борилади.

Эслатиб ўтамиз, муқаддам Арман Абдуллаев жамоат қабулларини ўтказиб, уларда қатор масалалар ижобий ҳал этилганди. Туман орқали ўтадиган вилоят аҳамиятига молик йўлларнинг қурилиши назоратга олинди.

Туркистон вилояти ҳокимининг
матбуот хизмати.

МУҲИМ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ



ВАЗИРЛИК ВАКИЛЛАРИ – ТУРКИСТОНДА

Туркистондаги “Kagavan saay” мажмуасида Барқарор Ривожланиш Мақсадлари ва барқарор ижтимоий тараққиёт анжумани ўтди. Унда маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамият фаоллари, мустақил экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад – Вазирликлар вакиллари қишлоқ ва туманларни оралаб, истиқболли лойиҳалар ижросини назорат қилиш.

– Бундай анжуман Қозоғистонда иккинчи бор ўтказилмоқда. Тур-

кистон вилоят маркази мақомини олгач, шаҳар янгиланмоқда. Бу ерда инфратузилма билан боғлиқ масалалар кўтарилган эди. Айни дамда инфратузилмадан ташқари, соғлиқни сақлаш, таълим ва ичимли суви каби асосий ма-

салалар ҳам ечимини топомқда. Бироқ ҳали олдинда ишлар кўп. Улар ҳам босқичма-босқич амалга ошади, – деди “Иқтисодий тадқиқотлар институти” ХЖ котибияти директори Бақитгул Қамбар.

Барқарор Ривожланиш Мақсадлари – 2015 йилда БМТга аъзо барча давлатлар томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасидир. Тадбирнинг биринчи кунинда давлат идоралари вакиллари иштирок этди. Учрашувнинг иккинчи кунинда семинар аҳолининг турли вакиллари иштирокида “Миссия 2030” ўйини шаклда ташкил этилди.

Майсара САФАРОВА.

МДҲ ДАВЛАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ



Мамлакатимизда болалар тағлигини ишлаб чиқарадиган дастлабки корхона Сайрам тумани маркази – Оксукент қишлоғида жойлашган. Вилоят сармоя ва экспорт бошқармаси ҳамда “Туркистан Инвест” компанияси шафелигида мазкур сармоявий лойиҳанинг иш суръати юксалмоқда.



Бугунги кунда “Carable group” компаниясининг маҳсулотлари юқори талабга эга. Қиймати 2 миллиард тенгелик сармоявий лойиҳанинг 70 фоизи қозоғистонлик сармоядорга, 30 фоизи эса “AROYAL ROYAL Hijyen A S” турк компанияси улушида.

Корхона бир дақиқада 600тагача тағлиқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона тўлиқ ишга тушса, йилига 500-600 миллион донга тағлиқ чиқаради.

Сармоядорлар ўз маҳсулотларини Евроосиё иттифоқи ва МДҲ давлатларига экспорт қилишни режалашмоқда. Бу ерда тағлиқлар “Saby Bala”, “Bore Live”, “Nomad Baby”, “Baby Still”, “Royal”, “Pro Aktiv baby” ва “Still Mebical” савдо маркаси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

○ Қозоғистонлик таниқли продюсер Нурлан Қўянбаев Президент телерадиомажмуасига директор этиб тайинланди.

● ҚР Давлат рамзларига – 30 йил

БАЙРОҒИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!

Кўкларда ҳилпирайди мағрур,
Қалбларга солар сурур.
Десалар, ҳаёт ё байроқ,
Жон эмасдир, менга кераги
Юксалмоғи мовий байроқнинг!

Мовий рангли байроқнинг ҳилпираётганини кўрсам, ушбу шеър сатрлар беихтиёр ҳаёлимга келади. Қозоқ халқининг атоқли фарзанди Бауржан Мўмишули айтганидек, «Байроқ – муқаддас! Байроқ – аскарнинг виждони!» Тарих саҳифаларига назар ташласак, қозоқ заминига кўз олайтирганлар оз бўлмади. Шундай оғир даврлардан бирида боболаримиз Тўле бий, Қазибек бий, Айтеке бий Ўрдабoshiда тўпланганида, Абулхайр хон уч жузиниқ шоҳидлигида Бўгенбай ботир қўлига қозоқ халқининг байроғини тутқазган экан.

Байроқ – ҳар қандай даврда ҳам муқаддас воситадир. Бу миллий шон-шараф, давлат рамзи. Байроқнинг юксакларда ҳилпираб турганини халқ обрўсининг рамзи деб биламан.

Ўз байроғини шарафлаш борасида ўрнатилган арзийдиган мамлакатлар – АҚШ, Хитой, Туркия. Бундай дейишимнинг боиси, америкаликлар миллий байроқларини қандай ҳурмат қилишлари, ҳаттоки афсонага ҳам айланиб кетган. Улар жаҳоннинг қайси бурчагида бўлишидан қатъийназар, миллий байроғини кўрса, дарҳол таъзим бажо айлашади, ҳар бир америкалик ўз давлат байроғини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хавф-хатарга ҳам боради. Маҳаллий маҳсулотларини чиқаришда ҳам давлат байроғини ниҳоятда қадрлашади. Турли фильмларда, медиа воситаларида давлат байроғи тасвирдан фойдаланиш шарт. Хитой ва Туркиянинг миллий байроғи эса шу қадар эъзозланадики, байроқни ардоқлаш ёш авлодга болалар боғчаси, мактаб остонасидан ўргатилади. Мана шу йўлни туттишга, бизга нима халқит беради?! Давлат байроғини эъзозлашни ҳар биримиз ўз оиламиз, атроф-муҳитимиздан бошлаб, фарзандларимиз ва яқинларимиз онгида унга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотишимиз керак.

Бу йил давлат рамзлари тасдиқланганига 30 йил тўлади. 1992 йил 4 июнда Республика Олий Кенгаши мустақил Қозоғистоннинг Давлат байроғи ва Гербини тасдиқлади. Байроқнинг марказида қуёш, унинг остида парвоз қилаётган бургут ва чеккасида миллий нақшли қизик бор. Бинобарин, ёш авлод вакиллари мана шу муқаддас белгиларнинг моҳиятини чуқур англаб, унга қандай муносабатда



бўлишни билмаса, демак, бу биз учун уят, деб биламан.

Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда Қозоғистон байроғини сарбаланд этаётган мамлакатимиз фуқароларини кўрсам, шундай тинч ва осойишта мамлакатда яшаётганимдан фахрланиб, шукр, дейман.

Бу борада, муқаддас байроғимизни янада юксалтиришга асос бўладиган бир неча қадамлар қўйилса эди, деб ўйламан. Масалан, рамзларимизни тарғиб қилиш ва оммалаштириш мактабларда биринчи синфдан йўлга қўйилиши керак. Мен ҳар ҳафтада синф соатларини ўтказишни ва уларда Байроқ, Герб, Мадҳияни эъзозлаш ўргатилишини таклиф қиламан. Шунингдек, давлат унивисиға қабул қилиниш ва университетга киришдан аввал ҳар бир фуқаро қўшимча синовлардан ўтиши керак, деб ўйлайман. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, халқаро тилларда ёзилган Қозоғистон рамзлари ҳақидаги рисоалар чет элдан келган фуқароларга чегарадан ўтиш жойларида, божхона постларида тарқатилиши зарур. Ҳар биримизнинг тафаккуримизда байроқни ардоқлаганим – Ватаним ҳимоя қилаётганим деган фикр шаклланса эди. Мен ўз фикрларимни шоир Маралтай Райимбекулиннинг шеър сатрлари билан тутатмоқчиман:

Мозийдан садо берар ягона сўз,
Эй, халқимнинг
олижаноб одамлари.
Кўк байроқли қозоққа,
мисли бургут,
Қуёш остида қанот
ёяр замон келди!

Боиси, мовий осмон ва мовий байроғимиз остида биргаликда умргузаронлик қилмоқдамиз. БИЗ – биргамиз!

Ансар УСЕРБАЕВ,
Туркистон вилоят ижтимоий
тараққиёт бошқармаси раҳбари.

Ақтўбе вилоятининг Туркистон вилоятидаги “Туркий олам бешиги Туркистонга – Олтин бешик Ақтўбедан” Маданият кунлари доирасида 14 апрель куни Туркистон мусиқали драма театрида шоир, драматург Исраил Сапарбайнинг “Лўлилар серенадаси” мусиқий спектакли намоиш этилди. Ушбу спектаклнинг премьераси илк бор Ғ. Жубанова номидаги Ақтўбе вилоят филармониясининг тарихида “Санъат маркази” концерт залида қўйилган эди. Республика даражасидаги премьераси Туркистон шаҳрида бошланди.



ТУРКИСТОНДА ЎТГАН ТАҚДИМОТ

“Лўлилар серенадаси” сахна асарида “Мусиқа қироли” ҳисобланган Шамши Қалдаяқовнинг ҳаёти тасвирланади. Ёш Шамши ёмғирли кунларнинг бирида Соғинч исмли қиз билан танишиб қолади. Бироқ уларнинг муҳаббати синовларга бардош беролмайди. Ёлғизликнинг шаробини ичиб юрган бастакор бир куни лўлилар галасига дуч келиб, Изольда исмли қизга ошиқ бўлиб қолади. Лўли қиз ҳам Шамшини ёқтириб қолади. Кўчманчи лўлилар

бир куни қозоқ юртидан кетмоқчи бўлади. Шунда икки ошиқ бир-бири билан хайрлашади. Сабаби, Шамши туғилган Ватанини ташлаб кетолмас эди. Шундай қилиб, “Лўлилар серенадаси” мусиқаси яратилади. Жуда ҳам нафис, севги-муҳаббатга бой асар – икки ошиқнинг дил тугғени эди.

Спектаклда филармониянинг 80 нафардан зиёд артистлари қатнашган.

Намоишдан сўнг Ақтўбе вилоят маслаҳати депутати

Бижан Ғалмағамбетов Шамши мероси қозоқ халқининг мероси эканлигини айтса, шамшишунос Қалдибек Қурманали ҳам буюк бастакорнинг мусиқалари қозоқ халқи билан мангу ҳаёт кечеришини таъкидлади.

Мехмонлар Туркистондаги ўзгаришларга тўхталиб, шаҳар ҳақиқатан ҳам маънавий-маданий марказга айлана бошлаганини қайд этишди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

СУВ СПОРТИ РИВОЖЛАНАДИ

Вилоятимизда сув спорти турлари билан шуғулланадиган ва соҳил туризмга қизиқадиганлар учун қувончли кунлар тобора яқинлашмоқда. Май ойида Туркистонда қурилаётган эшкак эшиш канали ва “Туркистон” сайёҳлик-дам олиш маркази синовдан ўтказилади. Вилоят ҳокими Ҳамид Шукеев мазкур қурилиш иншоотларига бориб, ишлар билан яқиндан танишди.



ҚР Президенти Қ. Тоқаевнинг топшириғига биноан, Туркистон вилоятида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари кенг қўламда амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокими Ҳ. Шукеев раҳбарлигида “Соғлом авлод – миллат келажаги” спорт мусобақалари бошланди.

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Қалқаманов, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбари Қ. Жўлдиқараев ва спорт муассасалари раҳбарлари иштирокида спорт ўйинларига “старт” берилди. Велопойгачилар билан бирга, амалдорлар ҳам “Туркистон арена” ўйингоҳидан “Ўтрор” кичик туманига йўл олишди. У ерда болалар ўртасида ошиқ отиш, турникда тортилиш, камондан ўқ отиш, копкот отиш каби ўйинлар намойиш этилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида уюштирилган бу каби беллашувлар мунтазам равишда давом этади, дейишмоқда тадбир ташкилотчилари.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



АҚТЎБЕНИНГ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

Туркистонда Ақтўбе вилоятининг Маданият кунлари ўтди. Тадбирнинг очилиш тантанаси Х. А. Ясавий мақбараси рўпарасидаги этноовулда ўтиб, унда театрлаштирилган сахна кўринишлари, хунармандларнинг кўргазмалари ва санъаткорларнинг концерт дастурлари намойиш этилди.



Ақтўбе вилояти ҳокимининг ўринбосари Булбул Елеусинованинг айтишича, Маданият кунлари доирасида ақтўбелик санъаткорлар Туркистон мусиқа драма театрида иккита сахна кўриниши – мусиқавий спектакль ва этнофольклор тарихий драмани томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

– Икки вилоят ўртасида маънавий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида катта тайёргарлик билан келдик. “Фараб” кутубхонасида маҳаллий ёзувчиларнинг китоблар кўргазмаси, ижодий кечалари ўтказилди. Кутубхона

майдонида “Алақай” вилоят кўғирчоқ театри очик осмон остида болаларга томоша кўрсатди, – деди ҳоким ўринбосари.

Бундан ташқари, “Карвон сарой” сайёҳлик мажмуасида ақтўбелик хонандалар концерт дастури билан кўпчиликни хушнуд этишди.

Экобозорда эса Ақтўбе вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмаркаси ташкил этилди.

Икки кунлик Маданият кунлари Туркистон шаҳридаги Конгресс-холл саройида “Салом, Туркистон!” катта-концерти билан якунланди.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

БУ ҲАМ ДАВЛАТГА, ҲАМ ТАДБИРКОРГА ФОЙДАЛИ

Туркистон шаҳрининг ҳокими Нурбўл Турашбеков журналистлар билан мулоқотда бўлди.

У шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, ҳокимлик томонидан амалга оширилаётган ишларга батафсил тўхталди. Умуман олганда, ялпи ҳудудий маҳсулот, амалга оширилган ишлар натижалари – шаҳарни тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У 2021 йил январь-декабрь ойларида 268,8 миллиард долларни ташкил этди, ўсим 2020 йилга нисбатан 15,3 фоизга ошди. Шу жумладан, саноат соҳасида 7,5% (20,0 млрд тенге), қишлоқ хўжалиги 3,5% (9,5 млрд тенге), қурилиш ишлари 66,4% (178,6 млрд тенге), товар айирбошлаш ва хизматлари сотиш ҳажмини эса 22,6%га (60,7 млрд тенге) бажарган.



Бу йил Туркистонда йирик лойиҳалар бошланиб, туризм соҳаси янги суръат олди.

2021 йил январь-декабрь ойларида Туркистон шаҳрига ташриф буюрган зиёратчилар ва сайёҳлар сони 1506,1 минг кишига етди.

Инфратузилма ҳар ҳудуднинг асосини белгилайди.

Шаҳар аҳолисининг 98,5 фоизи электр энергияси билан таъминланган, шундан 84 фоизи юқори сифатли электр энергияси билан таъминланган. 2021 йил охирига келиб 3та иншоот қурилиши 90 фоизга якунланди. 2022 йилнинг биринчи чорагида тўлиқ ишга туширилди.

Бундан ташқари, 1та иншоотда якка тартибда уй-жой биноларини юқори сифатли электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси ниҳоясига етса, натижада қамровни 98,5 фоиздан 99 фоизгача ошириш режалаштирилган.

Туркистондаги асосий муаммо – ичимли сув таъминоти тизимлари: Шаҳардаги 36.174 (38.220 истеъмолчи)дан 37.455 истеъмолчи (98%) ичимли сув билан таъминланган (100% қамров 2022 йил охирига қадар режалаштирилган).

Шаҳар аҳолисининг кўпайиши туфайли сизими 5000 м3 бўлган қўшимча сув омборлари қурилиши (2та) марказий сув омборини мустаҳкамлаш мақсадида қуриб битказилди, аҳолига сув етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, 2та иншоот учун махсус лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, молиялаштириш учун тақдим этилган.

Умуман, шаҳарда ичимли сув қувурларини реконструкция қилиш мақсадида 4та иншоотда қурилиш ишлари олиб борилди ва 40 фоизга бажарилди.

Оқава сув тизимлари: Шаҳарда жами 127 км оқава сув, 27та КНС мавжуд. Марказлашган оқава сув тизимининг мавжудлик кўрсаткичи 20,5 фоизни ташкил этди.

Тизимдан 32680 истеъмолчи фойдаланади.

Ҳозир 4та иншоот қурилиши устида

– Туркистонга сув етказиш йўллари топилиб, муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Эшкак эшиш канали сув спортини ривожлантиришга таъсир қилиши аниқ. Вилоятимизда кучли эшкак эшувчилар жамоаси мавжуд. Келажақда спортчилар Туркистонда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишади. Чунончи, лойиҳага республика даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, қурилиш сифатли ва замон талабига мос бўлиши зарур, – деди вилоят раҳбари.

100 гектар майдондаги базада сув спорти турлари ривожланиши аниқ. Бу ерда

қайиқларда сузиб, ҳордиқ чиқариш мумкин бўлганлиги учун сайёҳлар оқими кўтилкоқда. Бундан ташқари, йирик ҳажмдаги сув шаҳар иқлимини сезиларли даражада ўзгартиради.

Туркистон об-ҳавоси иссиқ бўлганлиги боис чўмилишга келувчилар ҳам кўп бўлиши аниқ. Илгари бир қанча сунъий сув ҳавзаларидан ташқари чўмилиш ҳовузлиари йўқ эди. Соҳил бўйига кум тўшалиб, ободонлаштириш ишлари юритилиши ҳам режага киритилган.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.



иш олиб борилмоқда. 5та иншоотдан иборат ЛСХ ишлаб чиқилган ва молиялаштириш учун тақдим этилган.

Қурилиш ишлари тўлиқ якунлангач, 19 минг 227та якка тартибдаги тураржой биноси сув тармоғига уланиши мумкин.

Натижада, 2025 йилга келиб, шаҳар аҳолиси 100 фоиз қариз тизими билан таъминланади.

Туркистон шаҳрида 6 тармоқ ҳудудида жойлашган аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида ишчи лойиҳалар тўлиқ амалга оширилди. Бугунги кунга келиб, йил бошидан буён 90,2 фоизни ташкил этди. Маҳаллий ҳокимлик, кўнгилчилар ва «Қазтрансгазаймақ» билан ҳамкорликда шаҳар аҳолисининг табиий газдан фойдаланишлари имконият яратилди. Лойиҳадан ташқарида қолган якка тартибдаги уй-жой биноларини табиий газ билан таъминлаш учун шаҳар аҳолисининг мурожаатларини инобатга олган ҳолда махсус ишчи лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишлар бошланди. Натижада шаҳар аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси ортмоқда.

2022 йилда 40та кўчада ўртача таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу кўчаларнинг аксарияти тўлиқ тўғалланган алоқа тизимлари (ичимли сув, қариз, газ), шунингдек, жамоат транспорти серкатнов кўчалардир.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жамоат транспорти тизимини ривожлантиришда давом этамиз. Ўтган йили 40та янги автобус харид қилинди ва дизель ёқилғисида ишлайдиган, кондиционерли, ногиронларга мос автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Жамоат транспорти 19 фоизга янгиланди.

Бу йил яна 30та янги автобус қўйилади. Биз «Төлөм» тизимини амалга оширдик. Бу аҳоли учун ҳам, ташувчилар учун ҳам қулай.

Уй-жой билан таъминлаш энг долзарб масала. Шаҳарда уй-жой учун навбатда 15,6 мингдан ортиқ киши турибди. Ўтган йили «Нурли йўл» давлат дастури доирасида умумий майдони 160 минг

квадрат 600 кўп қаватли уй-жой биноси қурилди. Шундан 42 минг квадрат метр майдонда 170,2 уй-жой биноси қурилиши якунланиб, 2 минг 561 оила уй-жой олиш имкониятига эга бўлди. Ўтган йили барпо этилган уйлارга кўра, биз шаҳар тарихида рекорд кўрсаткичга эришдик. 6 йилга нисбатан 2020 барабар кўп, гарчи уй-жой учун навбатда турган фуқаролар сонини ҳисобга олган ҳолда, бу ҳали ҳам жуда оз.

2014-2021 йилларда Туркистонда уй-жой навбатида турган эҳтиёжманд оилалар эҳтиёжини қондириш учун 2 минг 510 хонадон тайёрланди. Айни пайтда ушбу хонадонларнинг тўғри тақсимланганини соддалаштириш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган. Шаҳримизда айрим навбат рўйхатларидагиларнинг шикоятларини инобатга олган ҳолда ишчи гуруҳ бир неча йўналишда иш олиб бормоқда. Жорий йилда 400 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. 6 минг 224 хонадон аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

Ҳоким ҳисоботини тинглагач, ОАВ вакиллари саволларга кўчишди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги бинолари жойлашган «Жаңа қала» кичик туманида бош режа самарали тузилмаган, натижада мактаблар ва болалар боғчалари қурилиши инобатга олинмаган. Бу шиддат билан ўсиб келаётган кичик туман аҳолиси учун қийинчилик туғдириши аниқ. Бундан ташқари, автобус бекатларини ўрнатиш масаласи ҳам янги шаҳарнинг муҳим масаласи. Нурбўл Турашбековнинг айтишича, жорий йилда 100та автобекат ўрнатилди. Журналистларни «Қуаниш» бозоридаги ноқонуний савдо расталари, таксичиларнинг тартибсиз фаолияти, миллиардлаб давлат маблағи сарфланаётган нав-ниҳолларнинг тақдири қизиқтирди.

Бундан ташқари, ишончли бошқарув тизими асосида хусусий шахсларга берилаётган давлат иншоотлари ҳақида гап борди.

– Шаҳарда ишончли бошқарув тизими асосида тадбиркорга берилаётган иншоотлар хусусий шахсга тўлақонли бериб юборилди, деган маънони аңлатмайди. Бинолар маълум вақтга ижарага берилади, холос. Бунинг учун ҳокимлик ва ижарачи ўртасида шартнома имзоланади. Ҳокимлик ҳар доим ҳам йирик бинолар, иншоотларни тўқис таъмирлай олмайди. Тадбиркор эса ишониб топширилган бинода ўз шахсий ишини очади, шу билан бирга давлат иншооти ҳам хизмат қилади. Бу ерда турли ҳақ тўланадиган хизматлар амалга оширилади. Бу ҳам тадбиркорга, ҳам давлатга фойдали, – деди ҳоким.

Н. МАВЛОНОВА.



Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг қозоғистонликларга йўллаган “Янги Қозоғистон: янгиланиш ва замонавийлашув йўли” Мактуби давлатимизнинг истиқболли тараққиёт устуворлари ва йўналишларини белгилайдиган муҳим ҳужжатдир.

Президент Мактубида мудҳиш январь воқеаларига баҳо бериб, тинч намоийшлардан сўнг жиноят содир этган одамларнинг барчаси қонун олдида жавоб беришини айтди. Шунингдек, келгуси йилларда Янги Қозоғистонни барпо этиш йўлида ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий соҳада амалга ошириладиган кенг қамровли ўзгаришларнинг асосий устуворлари ва вазифаларини белгилаб берди. Навбатдаги сиёсий ислохотларни эълон қилди.

Мамлакатимизда кенг қамровли сиёсий ўзгаришлар кутилмоқда, бу барча сиёсий институтларга таъсир кўрсатади. Бунинг далили сифатида Конституциянинг 30дан зиёд моддасига, 7та конституциявий қонунга ҳамда 15дан зиёд Қонунга ўзгартиришлар киритиш режаланганини айтиб ўтиш мумкин.

Муҳтасар қилиб айтсак, сиёсий ислохотларнинг асосий йўналишлари:

1. Президент ваколатини чеклаш, кучли Парламентга асосланган президентлик республика барпо этиш.
2. Аралаш мутаносиб-мажор

ритар тартибда сайлов шаклини барпо этиш.

3. Парламентни шакллантириш тартибини қайта кўриб чиқиш.

4. Маслаҳатлар ролини қучайтириш.

5. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш тартибини содда-лаштириш.

6. Сайлов жараёнини такомиллаштириш.

7. Суд тизимининг мустақиллиги ва шаффофлигини таъминлаш.

8. Фуқаролик жамият институтлари ва ОАВнинг ролини ошириш.

9. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Президент сиёсий соҳада қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилишини таъкидлади. Ушбу сиёсий ислохотларнинг туб мақсади – “Кучли Президент – нуфузли Парламент – ҳисобот берувчи Ҳукумат” тамойилларига асосланган Янги Қозоғистонни барпо этиш.

Давлат Президенти Қ. Тўқаев таъкидлаганидек, сиёсий янгиланиш доирасида маслаҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Сабаби, кучли

маслаҳатлар минтақалардаги муҳим масалаларнинг ечимини топишга ҳамда ҳудудларда турмуш фаровонлигини оширишга таъсир кўрсата олади.

Бу борада, даставвал, Давлат раҳбари маслаҳатлар ролини кучайтириб, мустақиллигини таъминлаш учун Маслаҳат раиси лавозимини жорий этишни таклиф қилди.

Шунингдек, Мактубда аралаш сайловлар шакли вилоятлар ва республика аҳамиятига эга шаҳарлардаги маслаҳатлар сайловига ҳам жорий этилиши қайд этилди. Президент ушбу таклифининг моҳияти ўзгача. Сабаби, энди партия аъзоси бўлмаган фуқаролар ҳам маҳаллий ваколат органларига сайлана олади. Иккинчи томондан, ўз билими ва тажрибасига ишонган, минтақанинг муаммоларини яхши биладиган, эл қорига камарбаста, шахсий нуқтаи-назарга эга фуқароларнинг маслаҳатларга сайланиш имкони яратилади.

Туман ва шаҳарлардаги сайловларни Президент мажоритар тартибда ўтказишни таклиф қилди. Бу ангилик Давлат раҳбари айтгандек, жойларда

рақобатбардош сиёсий муҳитни шакллантиради. Шунингдек, эл орасида обрўли янги шахсларнинг сиёсатга келишига йўл очади.

Президентнинг маҳаллий ваколатли ҳокимликка оид таклифлари минтақаларнинг муаммоларини ҳал қилишда ижобий натижалар беришига ишончим комил. Чунки, маслаҳатларга дунёқарashi турлича фуқароларнинг келиши унинг фаолиятини жонлантириб, депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширади. Бу минтақаларда шаклланган долзарб ва мураккаб муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Президентнинг минтақалар учун аҳамиятга эга ташаббусларининг бири сифатида қуйидагини келтириш мумкин. Энди мажоритар тартибда ҳар бир ҳудуд Парламентнинг қуйи палатасига камида бир депутатни сайлаши мумкин. Президентнинг ушбу таклифи ҳар бир минтақанинг манфаатини республика даражасига кўтара оладиган одамларнинг Мажлисга келишига имкон яратади.

Ушбу таклифларнинг барча-

си маслаҳат депутатларининг сайловчилар билан ўзаро алоқасини мустаҳкамлашига ишонаман. Шундай йўл билан сайланган депутатлар сайловчилари олдида берган ваъдаларини бажаришга ҳаракат қилади, акс ҳолда унинг депутатлик мандати қайтарилиши мумкин.

Президентнинг маслаҳатларга оид ташаббуслари уларнинг фаолиятига жўшқинлик бериб, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, минтақалардаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ, Президент сиёсий ташаббусларининг самарадорлиги ва муваффақияти жойларда аҳоли ўртасида олиб бориладиган ахборий-тарғибот ишларига бевосита боғлиқ.

Президентнинг Мактубидаги сиёсий ташаббуслар халқ орасида ҳозирдан бошлаб кенг қамровли тарғиб этилиб, унинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка тушунтирилиши керак. Қолаверса, халқни навбатдаги сиёсий ўзгаришларга тайёрлашимиз керак. Ушбу ўзгаришлар нафақат ижро ва ваколатли ҳокимлик томонидан, балки маҳаллий фуқаролик жамият инс-



титутлари томонидан ҳам олиб борилиши зарур. Ана шундагина минтақаларни ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришамиз.

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Мактубида кўтарилган сиёсий ташаббуслар ва тавсиялар турли шаклда, турли даражада кенг жамоатчилик билан муҳокама қилинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу сиёсий ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг ҳокимликка ишончини ошириб, сиёсий жараёнда фаол бўлиш имконини беради.

Ғани ТАШҚАРАЕВ,
ҚР Парламенти
Мажлиси депутаты.

БОШҚАРМА РАҲБАРИ ТАЙИНЛАНДИ

Туркистон вилояти ҳокимининг фармойишга кўра Динислам Бўлатханули Туркистон вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси раҳбари этиб тайинланди.

Динислам Бўлатханули 1978 йилда Туркистон шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. Мутахассислиги бўйича филолог, қозок тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, фалсафа фани номзоди, ҳуқуқшунос.

Х. А. Ясавий номидаги Халқаро қозок-турк университети, Шимолий Қозоғистон давлат университети ва Қарағанди давлат университетларини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Шимолий Қозоғистон давлат университетининг қозок филологияси кафедрасининг ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2002-2007 йилларда Х. А. Ясавий номидаги халқаро қозок-турк университетининг қозок адабиёти кафедраси ўқитувчиси, туркшунос-лик факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлган.

2007-2011 йиллари



ҚР Таълим ва фан вазирлигининг Болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш қўмитасининг маъмурий-молиявий бошқармаси бош мутахассиси, Олий ва ОТМ-дан кейинги таълим департаментининг ОТМ-ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини бошқармаси раҳбари бўлган.

2011-2014 йилларда Жанубий Қозоғистон давлат педагогика институтида, 2014-2017 йилларда ҚР Таълим ва фан вазирлиги, Маданият ва спорт вазирлиги ҳамда “Миллий тест маркази”да турли раҳбарлик лавозимларида фаолият юритди.

2017 йилдан буён Павлодар вилояти Таълим бошқармасининг раҳбари лавозимида фаолият юритди.

◆ Туркистон – туркий оламнинг маркази

Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков билан Чўрноқ қишлоғидаги Қанат Қалиев раҳбарлик қилаётган “Қизиласкар” умумий ўрта мактабига бордик. Директор Қанат Амангелдиулига “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунаси масаласида келганимизни маълум қилдик.



“Жанубий Қозоғистон” – ҳар бир хонадонга

У ҳузурига газетамиз жонқуяри ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Нодира Юсуповани чақиртирди. Н. Юсупова ушбу даргоҳда ҳамкасблари билан “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасини ташкил қилаётган ҳимматли ҳамда фидойи устозлардан. Унга беминнат хизмати учун миннатдорчилик билдирамыз. Таъкидлаш жоиз, “Қизиласкар” мактаби устозлар жамоаси 70 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига таҳририят орқали обуна бўлган. Эслатиб ўтамыз, шарт-

нома орқали обуна баҳоси почта ташкилотларига нисбатан минг тенгеге арзон, яъни, 6 ойга 2000 тенге.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев Чўрноқ қишлоғида ҳисобот учрашуви чоғида давлатимиз томонидан устозлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида фикр юритиб, мактабларда меҳнат қилаётган тажрибали устоз-муаллимлар ўртача 350 – 400 минг тенгедан зиёд маош олаётганлигини “ифтихор ила таъкидлади.

Барча туркийзабон давлатлар раҳбарлари 2021

йили 31 мартда ўтган саммитда Туркистонни ўз маънавий пойтахти, деб эълон қилди ва халқаро ҳужжатни имзоладилар. Бу барчамизга улкан масъулият юклайди.

Барча шароитларни яратиб берган давлатимизга ташаккур ҳамда шукрона сифатида ягона давлат наشري – “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир хонадонда маънавият неъматини сифатида қадрланишига интилайлик.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

СИЗГА SMS-ХАБАР КЕЛАДИ

1 апрелдан бошлаб, қозоғистонликларнинг мобил телефон рақамига шахсий гувоҳнома ёки ҳайдовчилик гувоҳномасининг амал қилиш мuddати тугагани ҳақида SMS хабар келади. Ҳужжатнинг амал қилиш мuddати тугаганига 1 ойдан ошган фуқаролар 21 441 тенге миқдорида жарима тўлайди.

Бугунги кунда мuddати ўтган шахсий гувоҳнома 1 ойгача янгиланмаса огоҳлантириш турида маъмурий жавобгарлик, 1 ойдан

ошса 7 ОҲҚ (21 441 тенге) миқдорида жарима кўзда тутилган.

Бундан мақсад – фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг амал қилиш мuddати ўтиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш. Энди мобил фуқаролар базасида рўйхатдан ўтган қозоғистонликлар ҳужжатининг амал қилиш мuddати тугашига 30 кун қолганида уларнинг мобил телефонига SMS-хабар келади.

РОССИЯГА 80 ТОННА КАРАМ



Жетисай тумани, Интимақ қишлоғидаги “Комилжон” деҳқон хўжалиги ўзлари етиштирган қарам маҳсулотларини Россияга экспорт қилишни бошлади. Деҳқон хўжалигига тегишли 12 гектар ер майдонга қарамнинг “Пекин”, “Магнус”, “Зарисма” эртапишар навлари экилган эди. 2 гектар ерга экилган 80 минг туп “Пекин” навли қарамдан 80 минг тонна ҳосил олинди.

Жетисай туман қишлоқ хўжалиги

ва ер муносабатлари бўлимининг бош мутахассиси Нуртас Турсинбековнинг айтишича, жорий йилда 900 гектар майдонга эртапишар қарам экилиб, 30 минг тонна ҳосил олиш режаланган. Мирзачўллик деҳқонлар етиштирган қарамнинг асосий қисми Россия, Белоруссия ва Европа давлатларига экспорт қилинади.

Вилоят минтақавий
алоқалар хизмати.

ВИЛОЯТ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Туркистон вилояти чорвачиликни ривожлантиришда етакчи ўринда. Элимиздан экспортга чиқариладиган йирик қорамол гўштининг 75 фоизи, қўй гўштининг 40 фоизи вилоят улушида. 30700 тонна мол гўшти, 3200 тонна қўй гўшти экспорт қилинди.

Ўтган йили 4 млн. тонна мол озуқаси тўпланиб, режа ортиги билан уддаланди.

Шунингдек, минтақада 906,5 млрд. тенгелик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди, ўсим 101,7 фоизни ташкил қилди. Экинзорлар 845 500 гектар майдонни эгаллади, бу 2020 йилга нисбатан

2100 гектарга кўп. Экинзорларни рангбаранглаштириш натижасида сабзавот, поллиз ва картошка ҳосилдорлиги ўртача 50 центнерга, ҳосилдорлик 2020 йилга нисбатан 429 минг тоннага ортиб, рекорд даражадаги 3,3 миллион тонналик маҳсулот олинди.

122 гектар майдонда янги иссиқхоналар барпо этилди, эндиликда уларнинг умумий майдони қарийб 1,5 минг гектар (республикадаги улуши 71 фоиз)дан иборат. Иссиқхоналар майдони қўшимча 122 гектарга кенгайтирилиб, 1590 гектарни ташкил этди.

2022 йилда аҳолини маҳаллий маҳсулотлар



билан таъминлаш мақсадида умумий қиймати 55,3 миллиард тенге бўлган 42та сармовявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, намликни тежовчи технологиялар жорий этилган майдон 4 минг гек-

тарга етказилади. Келгуси 5 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулот ҳажмини 1,3 трлн. тенгеге етказиш режаланмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

◆ Обуначиларимиз орасида

Қишлоқ ҳокими Жўлдас Мирзабеков ва ўринбосари Абдижаппар Жакиповга обуна масаласида мурожаат этиб, ўтган йилги болалар боғчалари муаммолари ҳал қилинганлигини таъкидладик. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили қишлоқдаги қатор боғчалар жамоалари ойлик маош тўлиқ тўланмаётганлигидан шикоят қилиб, уларнинг мурожаатлари асосида Кентов шаҳар инсон салоҳиятини ривожлантириш бўлимига, вилоят касаба уюшмалари таълим бўлимига ҳамда таҳририят орқали ҚР Парламентига мурожаат қилдик, барча тафсилотлар газетамиз саҳифаларида ёритилди.

Қарноқ қишлоғидаги таълим соҳаси фахрийси, тажрибали устоз-мураббий Дилдор Ҳабибованинг сазй-ҳаракатлари, пойтахтдан ташриф буюрган масъул комиссия пировардида барча камчиликларни аниқлаб, муаммони ҳал қилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Алатау” медиа холдингида ўтган учрашув, савол-жавоблар ҳам газетамизда ёритилди. Ҳар галгидек, ушбу муаммонинг юзага келиши давлатимиз эмас, баъзи мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ту-

ҚИШЛОҚ ФАОЛЛАРИ ҲУЗУРИДА



файлидир. Барча дилхираликлар ортада қолди.

Қишлоқ ҳокимлиги биносига жойлашган оқсоқоллар кенгаши раиси, 75 нусха газетага ташкилий ҳомийлик кўрсатаётган Фарҳод Абдуллаев идорасида фаоллар билан учрашдик. Ф. Абдуллаев “Жанубий Қозоғистон” газетасининг Туркистон бўлими ҳамда “AMANAT” партияси республика сиёсий кенгаши аъзоси, вилоят маслаҳати депутати М. Лимаренконинг вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармасига расмий сўровномаси асосида муштарак сазй-ҳаракатлари билан экин суви муам-

моси ижобий ҳал этилганини таъкидлади. Қирғоқлари бузилган ариқ махсус техника ёрдамида таъмирланиб, бугунги кунда сув тўлиб оқмоқда. 1707 гектар майдонда обикор деҳқончиликни ривожлантириш имкони пайдо бўлганини таъкидлаб, миннатдорчилик билдирди.

Фарҳод ака ҳамқишлоқларини “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жорий йил иккинчи ярмига обунани уюшқоқли ташкил этишга чакирди. Барча бу даъватни қизгин қўллаб-қувватлади. Югнак қишлоғида давлатимиз сиёсати доирасида ёшларни иймон руҳида

тарбиялаш йўлида жонбозлик кўрсатаётган жамоат ташкилотлари фаоллари Абдужаббор Абдувахобов, Фарҳод Абдуллаев, Султон Қаҳҳоров, Анорбой Бухорбоев, Аҳмаджон Мавлоновлар билан ҳам мулоқотда бўлдик. Мактаб, амбулатория жамоалари билан бирга обунанинг фидойи ташкилотчилари – Иброҳим Отажонов, Жумадулла Абеновлар исми- шарифини ҳурмат билан тилга оламиз.

Обунага шошилинг, азиз ҳамюртлар!

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

◆ Ортада қолган из яхши

ЭРСУЛТОННИНГ ЭЛЛИК САККИЗ БАҲОРИ

“Жанубий Қозоғистон” газетаси 31 ёшга тўлган бўлса, илк кунларидан бошлаб обунда ҳолис хизмати билан ёрдам кўрсатган фидойи инсонлардан бири қадрдон дўстим, садоқатли синфдошим Эрсултон Мавлонов эди.

У 1963 йили 6 май куни Туркистон шаҳрида Улуғ Ватан уруши фахрийси Абдукарим ота хонадонидан туғилди. Шаҳардаги Алишер Навоий номли мактабда бирга ўқидик. Холдор Қодинова, Омон Эргешов, Ноила Рисбоева каби минглаб шогирдлар тарбиялаган заҳматкаш устозлар синф раҳбаримиз бўлди. Мактабдаги турли тadbирларда, сўнг Шумилов номидаги темирйўлчилар клубида Эрсултон билан бирга баддий ҳаваскорлик тўғараги номидан жуда кўп саҳна асарларини яратиб, роллар

нувчанлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда ташкилотчилик қобилиятлари билан муваффақиятли босиб ўтди. Жуда кўп иншоотлар, хусусан, Хожак Аҳмад Яссавий мақбарасини таъмирлаш, шаҳар марказидан Бекзат кичик туманига Учқайиқ қишлоғига темирйўл тармоғи устидан замонавий улкан осма кўприк барпо этишдек тарихий лойиҳаларни амалга оширишда малакали муҳандис сифатида иштирок этди.

Обунада жонкуяр Э. Сулейманов вафотидан сўнг собиқ 194- ҚМП, замонавий “Туркестан Югстрой” қурилиш ташкилоти фаолиятини тўхтатди. Эрсултон Абдукарим ўғли Туркистондаги Рустам Абдужабборов (фаол обуначимиз) раҳбарлик қилаётган “Бура югстрой” қурилиш корхонасида етакчи муҳандис сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 2018 йили

ҳам ўша тadbбирда иззатикром кўрсатиб, совгалар тўхфа қилинганди. Қадрдон А. Навоий номли мактаб ота-оналар қўмитаси фаол аъзоси сифатида кўп хайрли ишларга қўл урди. Хусусан, мактаб ҳовлисидаги УВУ фахрийларига ўрнатилган ёдгорликни таъмирлашда хомийлик қилди.

Мактабнинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган “Устозлар ва шогирдлар” китобида теран миннатдорчилик ила қайд этилган. Эрсултон Абдукарим ўғлининг мукофотлари жуда кўп. Лекин, энг асосий мукофоти – унинг табарруқ Туркистон заминининг иқтидорли муҳандис фарзанди сифатида билими, тафаккури билан яратган иншоотларидан фойдаланаётган, барпо этган мактабларида ўқиб, камол топаётган ёш авлод миннатдорчилиги, халқ эҳтиромидир.



инсон тўйига бирга борганимиз, ўранғайлик фахрий оқсоқол Обиддин Фахридино билан Туркистон делегацияси номидан сўзга чиқиб, тўй соҳибларини муборакбод этгани ҳам шонли тарих. У синфдош дўстларимизнинг жуда кўп тўю тантаналарини маҳорат билан бошқарган. Барчаси тасмаларга, демакки, тарихга мухрланган.

Умр йўлдоши Жамила Жўрахон қизи – фармацевт, қобил фарзандлар Даврон, Адҳам, Наргизаларни тарбиялаб, неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳибиди. Машхур шоир Пулат Иброҳимов Эрсултон Абдукарим ўғли таваллудига бағишлаб, шеър ёзгани ҳам бу инсоннинг маънавиятга масъуллигидан далолат. Эрсултон Абдукарим ўғли ўтган йили кўкламда, эллик саккизинчи баҳори ҳамда таваллуд кунидан сўнг икки ҳафта ўтиб, 20 май куни оламдан ўтди. Туркистон шаҳри яна бир нор ўғлони, фидойи фарзандини сўнгги сафарга кузатди. Ортида бунёдкорлик меҳнати, яхши ном, мўмин фазилатли хулки, ҳурмати бисёр хотира қолдирди.

Ҳаётда режаллаган орзулари, ниятлари мўл эди... Уларни эндиликда фарзандлари рўёбга оширади. Зеро, халқимизда инсон авлоди билан барҳаёт, деган нақл бежиз айтилмаган. Ўтган йили 1 сентябрь – Билимлар кунидан у муттасил ҳомийлик қилган қадрдон А. Навоий номли мактабига иқтидорли невараси – Иброҳим Адҳам ўғли ЭРСУЛТОНОВ биринчи синфга ўқишга келди. Ворисдошлик бардавом бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Эрсултон Мавлонов; ҳамкасблари С. Отаев, Р. Ризоев ва бошқалар билан.

Югнак қишлоғидаги доимий обуначиларимиздан Султон Қаҳҳоров хонадонига ташриф буюриб, мулоқотда бўлдим. Маданиятни эъзозлайдиган, кам гапириб, кўпроқ тинглашни хуш кўрадиган, нафақадаги ўқитувчи, элга ибратли ишлари билан танилган, меҳнати, камтарлиги, илм-хунари ҳамда деҳқончилик фазилатлари ила эъзоз топаётган, мусулмончилик фарзларини умр йўлдоши Мўхаббат Отамахсум қизи билан бирга адо этган, жорий йили 75 ёшни қарши олаётган Султон Отамат ўғлининг ибратли ишлари бисёр.

ЮГНАКДАГИ ИБРАТЛИ ХОНАДОНДА



Отахоннинг саришта ва файзли хонадонидagi сархил меваги дарахтлар қийғос гулга кирган. А. Югнакий номли мактабда ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ва заҳмати мўл касбда узоқ йиллар бирга ишлаб, нафақага чиққан, отахон ва онахон яқиндагина ибратли исломий тўй ўтказиб, элга намуна бўлди. Қараганди шаҳридаги тиббиёт институтида тахсил олаётган невараси Жавоҳирбек Ҳасанжон ўғли билан Туркистондаги А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетиди ўқитувчилик қилаётган Чарос Қаҳрамон қизининг ибратли тўйи “маҳаллада дув-дув гап” бўлди, қолаверса бугунги ҳаёт мана шундай ихчам тўйларни қўллаб-қувватламоқда. Мана шундай ибратли тўйлар билан маънавиятда ўзгаларга ўрнак бўлишимиз керак.

Туркистон шаҳри туркий оламнинг маънавий пойтахти. Маънавиятда

ўзгаларга ўрнагимиз мана шундай ибратли тўйлар орқали ҳам ўз ифодасини топади.

Қобил фарзандлар Ҳасан, Улуғбек, Давронбек, Шоҳида, Саида, Шаҳноза, Жамилаларни тарбиялаб, вояга етказган пири бадавлат оила соҳиблари Нилуфар, Шаҳноза, Севара, Жумадулла, Абдуқодир, Фурқат, Мухтор каби ҳам хизматда, ҳам иззатдаги келин-куёвлар, ширин-шакар неваралар кўришган. Фарзандлар ҳаётдан ўз ўринларини топиб, жамиятимиз равнақида самарали ҳисса қўшмоқда.

Нуроний отахон ва онахон қўлларини дуога очиб элга тинчлик, юртга омонлик, деҳқонлар хирмонига баракка, ёшларга билим, иймон ҳамда саодат тилади. Ниятлар ижобатини берсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ҲАЙДОВЧИЛАР БАЙРАМИ



Наврўзи олам шодиёналари давом этмоқда. Туркистон шаҳрида кичик ҳажмли юк машинаси соҳиблари – 60 нафар ҳайдовчи йил сайини анъанавий Наврўзи олам шодиёнасини кўтаринки руҳда нишонладилар. 2020 йили Наврўзи олам байрамини нишонлаш учун тўпланган маблағ пандемия тўғрисида ташкил этилмагач, сармоя “Улес” жамғармаси орқали хайрия ишларида йўналтирилган эди.

Мана икки йиллик танаффусдан сўнг байрамни қайта нишонлаш имкони туғилди. Фаоллар Бахтиёр Эргашев, Дадажон Бобожонов, Собиржон Қўчқоров, Обиджон Умаров, Алишер Абдусодиқов, Улуғбек Отахонов, Шўҳрат ва Бахтиёр Ажиметовлар, Даврон Каримов, Давлат Ғайбишев, Дилмурод Йўлдошев, Зокиржон Назаров ва бошқалар томонидан ташкил этилган шодиёнада маҳаллий эстрада йолдузлари концерт дастурини намойиш эт-

дилар, қўй сўйилиб, ўзбекнинг шоҳона таоми – паловхонтўра меҳмонларга тортиқ қилинди. Байрам тadbбирининг қадрли меҳмони, Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси муовини Раимжон Қўчқоров сўзга чиқиб, барчани Наврўзи олам билан муборакбод этаркан, ҳайдовчиларнинг хайрия ишларда фаоллиги, эли учун, юрти равнақи учун елиб-югуриб, меҳнат қилаётганини тилга олди, “Улес” хайрия жамғармаси фаолиятидаги фаоллиги учун миннатдорчилик билдирди.

Байрам дастури куй-қўшиқларга, рақсларга уланиб кетди. Дарвоқе, ҳайдовчиларнинг аксарияти “Улес” жамғармаси орқали севибли рўзномамизни севиб муталаа қилишмоқда. Зеро, маънавий озуқа энг муҳимидир.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

Тасвирда: байрам иштирокчилари.

АХМЕТ БАЙТУРСИНОВГА БАҒИШЛАНДИ

Кентов гуманитар техника коллежиди вилоят инсон салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси томонидан ташкил этилган “Ахмет Байтурсиновнинг миллий мероси ва қадриятлари” мавзуида вилоят очик дарслар танлови ўтди.

Халқимизнинг буюк сиймоларидан бири, қозоқ халқининг маънавий раҳнамоси, биринчи “Қозоқ тили” дарслиги муаллифи А. Байтурсиновга бағишланган танловда техник ва касб-ҳунаар коллежларининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчилари иштирок этди.

Бош совринни Ғ. Муратбаев номидаги Жетисай гуманитар техника коллежи ўқитувчиси қўлга киритди. Биринчи ўринга А. Исмоилов номидаги касб-хунаар коллежи ўқитувчиси

Гавхар Абдиқаппарова лойиқ деб топилган бўлса, иккинчи ўринни махсус касб-хунаар коллежи ўқитувчиси Мейрамкул Қожанова, учинчи ўринни 19-сонли коллеж ўқитувчиси Улпан Адирбекова эгаллади. Бундан ташқари, “Ақлли ўқитувчи” номинацияси бўйича “Туркистон олий кўптармоқли аграр коллежи ўқитувчиси” Балнур Жўлдасова, “Инновацион ўқитувчи” номинацияси бўйича Арис гуманитар техника коллежи ўқитувчиси Бибиғул Исаева, “Чевар устоз” номинацияси бўйича 12-сонли коллеж ўқитувчиси Жансая Медетбаева тақдирланди. Барча ғолиб ва совриндорларга махсус дипломлар ва ташаккурномалар топширилди.

М. САФАРОВА.

АДАБИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ СУРАТИ

Ушбу тарихий фотосуратда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов яна бир улугъ адимимиз Одил Ёқубовга эҳтиром кўрсатмоқда. Ўнг томонда эса сеvimли устозларимиз: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва адабиётшунос, таржимон устоз Иброҳим Ғафуров.

Афсуски, шундай буюк ижодкорларимизсиз адабиётимиз хувиллаб қолди. Биргина устозимиз ҳамон адабиётимиз устуни бўлиб турибди. Ўзбекистон Қаҳрамони, буюк таржимон Иброҳим акага узоқ умр тилаймиз.

Қолган барчасини Яратган Эгам ўз раҳматига олган бўлсин!

Муҳаммад ИСМОИЛ.
Муаллиф тасвирга олган.



● Муштарий илҳоми

Меҳрингизни қўмсаб, онажон!

Уйга келсам, онажон, кўнғил қувнаб турарди,
Чунки отам ва онам кўз ўнгимда юрарди.
Ота-онам қувончи – биз учун бир бахт эди,
Биз – фарзандлар йиғилсак, уйнинг тўри тахт эди.

Фарзанду неварога тўларди кенг ҳовлимиз,
Бизни меҳмон қилмоққа шошарди шан қалбингиз.
Юракдан меҳр бериб, ҳол-аҳвол сўрардингиз,
– Тинчми, қудаларим? – деб бирма-бир қутардингиз.

Онажоним, меҳрингиз қалб тўридан чиқарди,
Фарзанд, неваро, чевара – бағрингизга сизгарди.
– Болаларим боласи, – деб эркалаб, суйдингиз.
– Бувижоним, – десалар, бир жилмайиб қўйдингиз.

Хаста юрак онажон, шунчалар кенг эдим,
Бир марта хуруж қилиб, сизни олиб кетдим?
Дардларингиз айтсангиз, бўлмасмиди, онажон,
Чора тополмай ҳамон, қийналмоқда бу виждон...

Бу дунёни тарк этиб, кетган онажонгинам,
Бир кунда йўқотдикми, ишонмаймиз ҳозир ҳам.
Хаёл кетар паришон, ўрнингиз буш, онажон,
Сизни эслаймиз ҳар дам, кўзда ёш маржон-маржон.

Афсус, ёшлик қилиб биз, кўнглингизни олмамиз,
Уй ва бола-чақа, деб дардингизни сезмамиз.
Энди уйга борсак биз, она сизни излаймиз,
– Яхши келдингми, болам? – дейишингиз қўмсаймиз.

Дарддан ортиб, отамга дардкаш экансиз,
Отам дардин сезувчи ҳам фаришта экансиз.
Ота уйга бориб биз, ота кўнглин олмадик,
Тўрт қизу икки ўғил, ҳеч сиздек бўлолмадик.

Онам юрган ҳовлидан гул ифори келарди,
Майин эсган шамолда ёмғир иси еларди.
Савалаб ёғса, ёмғир онам хўп қувонарди,
Чунки баҳор фаслини жуда яхши кўрарди.

Энди ҳар баҳор фасли қабрига гул экамиз.
Онажон, сизни эслаб, дуога қўл очамиз.
Ўн саккиз минг оламга меҳрибон ҳам паноҳим,
Жаннатлардан жой берган, қарам кенг Аллоҳим.

Бувисини ахтариб, чеваралар ҳам ҳайрон.
Сўз тополмай уларга қийналяпмиз, дил вайрон.
Мана, ойлар кетидан йиллар ўтиб бормоқда,
Маъёс чехра, ўқсик қалб, Она сизни қутмоқда!

Шуҳратой ЙЎЛДОШЕВА,
105-сонли Муқимий номи умумий
мактаб ўқитувчиси.
Шимкент шаҳри.

● Табиатнинг ўзи табиб

1. САРАТОН БИЛАН САМАРАЛИ КУРАШАДИ

Седана ёғи таркибидаги фитокимёвий моддалар ва антиоксидантлар саратон хужайралари билан самарали курашади. Хорватиялик олимлар ўтказган тадқиқотлардан бирида қора седана ёғи таркибидаги икки фитокимёвий модда, яъни тимокинон ва тимогидрокинон моддалари саратон хужайраларини 52 фоизга камайтирган. Яқин ўтган йилларда олиб борилган тадқиқотларда аниқланишича, қора седана ёғи таркибида энг кўп учрайдиган модда, яъни тимокинон моддаси лейкокемия хужайралари, кўкрак саратони хужайралари ва мия саратони хужайраларининг ўлимни келтириб чиқаришга ёрдам беради. Сидни Киммел Онкологик Марказида олиб борилган тадқиқотда аниқланишича, қора седана ёғи ошқозон ости бези саратони хужайраларини ўлдиради ва ошқозон ости бези саратонининг ривожланишига йўл қўймайди.

2. ЖИГАР УЧУН ЖУДА ФОЙДАЛИ

Жигар инсон организмда мавжуд бўлган энг муҳим органлардан бири ҳисобланади. Кўп дори истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ёки бошқа сабаблар туфайли жигар фаолияти сустлашганида седана ёғи истеъмол қилиб туриш орқали жигар саломатлигини тезроқ тиклаб олса бўлади. Каламушлар устида олиб борилган тадқиқотга кўра қора седана ёғи жигарни ҳимоя қилади ва унинг фаолияти учун жуда фойдалидир.

3. ДИАБЕТНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Эндокринология ва Метаболизм Журналида чоп этилган тадқиқот хулосаларига кўра қора седана ёғи ошқозон ости бези бета-хужайраларининг аста-секин қисман тикланишига олиб келади, қон зардобидидаги инсулин концентрациясини оширади ва глюкоза миқдорини пасайтиради. Қора седана ёғи жиддий салбий ножўя таъсирларга эга эмас ва бу ёғнинг зарарлилик (организмни захарлаш) даражаси пастдир. Метформин эса бир талай салбий ножўя таъсирларни юзага келтириб чиқариши мумкин.

ҚОРА СЕДАНА ЁҒИНИНГ фан исботлаган

4. ВАЗН ЙЎҚОТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Қора седана ёғи семириб кетиш муаммосини бартараф қила олишни фан исботлаган. Диабет ва Метаболик касалликлар Журналида чоп этилган тадқиқотга кўра қора седана ёғи оздириш самарадорлиги бўйича дунёда энг юқори ўринларда туради.



5. ТЕРИНИ ТУЗАТАДИ

Эрон олимларининг аниқлашича, қора седана ёғи чилла ярани даволашда Бетамазон креми каби самарали экан. Биргина фарқи шуки, қора седана ёғининг жиддий ножўя таъсирлари йўқ.

6. СОЧ УЧУН ЖУДА ФОЙДАЛИ

Қора седана таркибидаги нигеллон моддаси соч тўкилишининг олдини олиб, бошдаги қазғоқ ва қуруқликини кетказди ва умумий соч ҳолатини соғломлаштиради.

7. ИНФЕКЦИЯЛАР БИЛАН КУРАШАДИ

Ж. Неру Тиббиёт муассасаси томонидан ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, антибиотикларга чидамли бўлган 144 хил бактерия штаммларидан 97 тасининг фаолияти қора седана ёғи ёрдамида ўхшатилишга эришилган.

8. РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

2000-2014 йиллар орасида олиб борилган тадқиқотларга кўра қора седана ёғи эркак уруғи параметрлари ва сифатини оширади, жинсий гормонлар ва репродуктив органлар саломатлигини яхшилади.

9. ХОЛЕСТЕРИННИ ТАРТИБГА СОЛАДИ


2017 йилда чоп этилган тадқиқот натижасига кўра қора седана ёғи нафақат антидиабетик ҳусусиятларга эга, балки ёмон LDL холестеринни тушириб, яхши HDL холестеринни оширади.

Демак, қора седана ёғи холестерин миқдорини, қондаги шакар миқдорини камайтиришга ва қон босимини туширишга ёрдам бериши мумкин экан.



● Аввал ўйла, кейин сўйла

“Сўз тузалди, тингловчи сен ҳам тузал...”



Доимий фаол обуначиларимиз Рўзимат Камолов, Ра-иймжон Қўқоровлар кўнғироқ қилиб, ҚМДБ вилоят, шаҳар бўлимлари ташкилотчилигида маънавиятга оид муҳим ва долзарб тадбир ўтказилаётганлигини маълум қилишди.

А. Яссавий мақбараси мажмуаси ҳудудидаги “Буюк Дашт” биносидида Шимкент шаҳри ҳамда Туркистон вилояти санъат усталари, шоир, оқинлар, тўй бошқарувчилар жамланган залда меҳмонларни вилоят бош имоми Еркебулан Қаракулов, шаҳар бош имоми Мухаммеджан Жумадиллаевлар қутлаб, Қўрбон тиловат қилдилар. Улар маънавиятга оид масалаларни муҳокама қилишди. Шимкент шаҳридан сўнг Туркистон вилояти марказида ўтаётган “Сўз тузалди, тингловчи сен ҳам тузал...” тадбирининг мақсади тўйларда, таъзияларда, турли юбилей тадбирларида Қўрбон ва муқаддас ҳадисларда йўқ ибораларни ноўрин ишлатмаслик, ишлатган тақдирда қайси оят, қайси

сура эканлигини кўрсатиш, Аллоҳнинг номини ўринсиз қўллаш, вермаслик, ичкиликсиз деб эълон қилинган тўйларда чойнақларда ароқ тарқатмаслик, бачкана хатти-ҳаракатларидан тийилиш каби кўп жиҳатлар тилга олиниб, Ислон дини нуқтаи назаридан баҳо берилди.

Шу ўринда ўзбек халқи тўйларида турли миллат вакиллари истикомат қиладиган шаҳарда саҳармандондан карнай-сурнайни микрофонга улаб, кўпчилики безовта қилиш, қимматбаҳо хориж автоқўлиқларини ижарага олиб, дабада қилиш, оқшомлари эса яна ўша кучли овоз кучайтиргич, мушак отиш, кўп миллатли юртимизда санъатимиз, маданиятимизга нисбатан салбий муносабат шаклланишига сабаб бўлаётганлигини аччиқ эса-да, эътироф этишимиз керак. Никоҳ тўйларида ёшлар, айниқса, кўёв жўралари ота-оналарнинг қатъий назорати остида бўлиши шарт. Ёшларнинг назоратсиз қолиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилиши

пировардида тўйларнинг азага айланишига сабаб бўлганлиги хусусида мисоллар етарли. Барча диққат билан тинглаб, кўп саволлар берилган ушбу тадбир поёнида фахрий оқсоқоллар Ж. Қўлбайимбетов, Ж. Азретбергеновлар ўз мулоҳазаларини баён этишди.

Тадбирдан сўнг меҳмонларга ифторлик берилди. “Ё рамазон” айтиш анъанасига кўра ижрочиларга ҳаёда этилган маблаглар тўплалиб, Бобойқўрғон қишлоғида ёнғиндан жабр кўрган, икки неварасидан жудо бўлган оилага ёрдам сифатида жўнатилди. Ифторликдан сўнг “Яси” ёпиқ ўйингоҳида ўтган тунги спартакиадада футбол бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

М. Даулетов раҳбарлик қилаётган “Туркистон” газетаси футбол жамоаси фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Муаллиф тасвири.

● Бир йигитга қирқ ҳунар оз

Хунар – инсон ҳаётининг ажралмас бир бўлаги. Дарҳақиқат, бир йигитга қирқ ҳунар оз, деб бежиз айтилмаган. Чунки ҳар бир инсон асосий ишидан ташқари бир ёки бир неча ҳунар ўрганиб олса, ҳар қандай вазиятда ҳам оиласини асрашнинг йўлини топиши осон бўлади. Лекин, ҳунар туфайли нони бутун, оиласини бекаму-кўст асраётганлар ҳам бисёр жамиятда. Туркистон шаҳридаги “Қуаныш” марказий бозорида косибликни улуғлаётган этикдўзлар шулар сирасидан.

СОЯДАГИ ОДАМЛАР

– Мамлакатимизда истиқлол даврида ҳунармандчиликка кенг йўл очилди. Илгари ҳайдовчилик қилдим, қурилишда ҳам ишлаганман. 1995 йилдан этикдўзликка қўл урдим. У пайтларда деярли ҳамма пойафзали йиртилса ёки эскирса ташлаб юборишга шошилмасди, имкон қадар таъмирлатиб кийишарди. Мижозларим кўп, ҳатто доимий келиб турувчиларим сони ҳам анча эди. Ҳозир эса, асосан, қиш ойларида, ёнғингарчилик пайтларда кўпроқ пул топишнинг мумкин. Ёшлар оёқ кийимларини таъмирлатишга олиб келишмайди. Асосан 40 ёшдан ошганлар доимий мижозларим. Аслида ойлик топишимни ҳисоблаб кўрмаганман, лекин 50 000-60 000 тенге атрофида бўлса керак. Бу пулни асосан рўзгорга ишлатаман, бир қисмига пойафзал таъмирлаш учун зарур хом-ашё харид қиламан. Охириги 10 йилликда, аниқ қайси йил эканлигини эслай олмайман, бозор ёниб кетди, иш қуролларимнинг ҳаммасини янгилашимга тўғри келди. Шу йилларда инкирозга учрадим. Қолаверса, ўтирган жойимиз учун 5 000-10 000 тенге ижара тўлаймиз. Болаларим эса давлат ишида, уларни ўқитганман. Ризқ Аллоҳдан, топган пулим кам бўлса ҳам ўзимга ва оиламга етади. У ўтирган жойим совуқ, оёғимдан ҳам совуқ ўтади. Оқибатда, бел



оғриғига чалиндим, буйрагим ҳам шамоллаган. Бирор хонани устахона сифатида очиш мумкин эди, лекин ижараси ҳам шунга яраша бўлади, – дейди этикдўз Самат Ўралбаев.

Акаси туфайли шу ҳунарни эгаллаган Муратбек Қўзибағаров эса саломатлиги ёмонлашгани боис бу касбини ўзгартиришини маълум қилди.

– Худога шукур, шу кунгача эл хизматида бўлдим, этикдўзликдан рўзгор тебратдим. Лекин, иш жойим совуқ, ўзингиз кўриб тургандай кўчада ўтириб, оёқ кийим таъмирлаш билан шугулланаман. Болаларим олий маълумотли, чунки косибликка ҳамма қизиқавермайди. Бошқа иш излаялман. Лекин, бу ёшда мени ким, қаерга ишга олишини билмайман. Балки қоровул ёки

қурувчи бўлиб ишларман, билмадим. Ҳар ҳолда соғлигим панд бера бошлади. Мижозларим кўп. Мабодо, қулай шароит яратилса, яъни ижара нархи ўзгармаган ҳолда бозордан бирор хонани ажратишса, бу касбини ташламасдим. Сабаби 15 йил давомида тажрибага эга бўлдим. Этикдўзлик қилиб, бола-чакамга ҳалол луқма едирдим.

Косибларнинг гапларидан пойафзаллар ҳам инсонлар ҳақида кўлаб ахборот бериши мумкинлиги ҳақида библи олдим. Яъни, оёқ кийим эгаларининг турмуш тарзи, тозаллиги, маданиятини оёқ кийимларига қараб билиш мумкин, деган хулосага келдим.

Майсара САФАРОВА.
Муаллиф тасвири.

БОШЛАНҒИЧИМ – БОЛ БУЛОҒИМ

Мактаб – кема, билим – денгиз, дейди доно халқимиз. Билим олишнинг дастлабки поғонаси, албатта, бошланғич синфлардан бошланади. Сайрам тумани, Оқсувкент қишлоғидаги Б. Наметов номидаги асосий ўрта мактабда “Бошланғич синфлар ҳафталиги” ўтди.

Мактаб зали баҳорий гуллар билан безатилди. Бошланғич синфлар гуруҳида 11 нафар ўқитувчи фаолият юритади, уларнинг барчаси юқори малакали устозлардир. Боланинг кўнглига йўл топиш, ички дунёсини ўрганиб, ҳаётга қизиқлиқларини ҳисобга олган ҳолда, дарсларни ташкиллаштираётган ўз касбининг моҳир усталари ҳамкасбларига ибрат кўрсатишди.

Устозларимиз М. Мавлонқулова 3-“А” синфида “Сон-сўз туркуми” мавзуида, Ш. Хайруллаева тайёрлов гуруҳида “Йил фасллари” мавзуида намунали

дарслар, У. Фазлиева 2-“А” синфида “Наврўз урф-одатлари”, М. Мадиева 2-“Ә” синфида “Көктем аруы”, Г. Зиёева тайёрлов гуруҳида “Бахтли болалик”, З. Қодирқулова 1-“А” синфида “Онажоним – меҳрибоним” мавзуларида очиқ тарбиявий соатлар ўтказишди.

Бундан ташқари, устозларимиз Н. Ғуломова “Онамга совға” амалий ҳунармандчилик намуналари кўргазмаси, Ф. Каримбекова “Баҳор гуллари” моҳир кўллар мусобақаси, 1-4 синфлар орасида “Шеърхонлик кечаси”, З. Тўйчиева раҳбарлигида “Наврўз – баҳор айёми” мавзуида эссе



ёзиш мусобақаси, Б. Тўленова раҳбарлигида “Бахтли болалик чоғи” мавзуида расмлар танлови, 3-4 синфлар ўртасида М. Ғуломова томонидан “Наврўз урф-одатлари” мавзуида танловлар ўтказилди.

Ҳафталик якунида эса барча иштирокчилар мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Раҳбари одил бўлган элнинг

мавқеи баланд бўлади. Мактаб раҳбари А. Юсвалиевнинг ишнинг кўзини билиши ҳафталик мобайнида яққол кўзга ташланди. Устозлик касби сермашаққат бўлишига қарамай, шарафли касбдир. Устозларимизнинг ишларига омад тилаб қоламан.

Умида ФАЗЛИЕВА,
Б. Наметов номидаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.
Сайрам тумани.

● 2022 – Балалар жылы

ҚР Президенті Қ. Тоқаев 2022 жылды «Балалар жылы» деп жариялады. Ең алдымен білік тарапынан денсаулық сақтау, білім беру және әлеуметтік қамсыздандыру саласында балаларды қарау мақсатында нақты іс-шаралар жасауды тапсырды. Осы ретте, медициналық сақтандыру қоры тарапынан «Сүйікті бала» жобасы аясында балаларға көрсетілген медициналық көмекті қаржыландыру жүргізіліп жатыр.

Қазіргі медицинада аурудың алдын алу маңызды. Осыған байланысты елімізде балалардың денсаулығы назарға алынып, қажетті іс-шаралар жасалуда. Атап өтерлігі, отбасын жоспарлау бойынша кешенді шаралар қарастырылған; Жүкті әйелдердің перинаталды скринингі 3 рет жүргізіледі, бұл ұрықтың

ӨСКЕЛЕҢ ҰРПАҚҚА – ҚАМҚОРЛЫҚ

МӘМС: БАЛАЛАРДЫ ПРОФИЛАКТИКАЛЫҚ ТЕКСЕРУГЕ 40 МЛРД. ТЕҢГЕ ЖОЛДАНДЫ

патологиясы мен кемшіліктерді уақтылы анықтауға мүмкіндік береді; Перзентханада жаңа туған нәрестеге неонаталдық скрининг жүргізіледі. Бұдан басқа, педиатриялық көмек көрсетуді ұйымдастыру стандарттарына сәйкес балалардың аурушандығын, мүгедектігін және өлім-жітімді алдын алу, төмендету бойынша шаралар қарастырылған.

Ағымдағы жылы елімізде МӘМС жүйесінде скрининг және профилактикалық тексерулерді жүргізуге 39,7 млрд теңге қарастырылған. Оның ішінде, аудиологиялық скринингке – 5,1 млрд теңге, 5 жасқа дейінгі балаларды профилактикалық тексеруге –11,7 млрд теңге, мектеп меди-

цинасы шеңберінде профилактикалық тексеруге – 22,9 млрд-тан астам теңгені құрайды.

Қорда балалар жеңілдетілген санатқа кіретіндіктен 18 жасқа дейін міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жарналары мен мемлекет төлейді. Демек, балалар МӘМС жүйесінде қажетті медициналық көмекті алуға толықтай құқылы.

Мектепке дейінгі, мектеп жасындағы балалар, техникалық және кәсіптік, жоғары білім беру ұйымдарындағы он сегіз жасқа толмағандар профилактикалық медициналық қарап-тексеруден өтеді. Білім беру ұйымдарына емхана мамандары барып жүргізеді. Егер мектепке дейінгі

жастағы бала бақшаға бармаса, онда ол бекітілген емханасында алдын ала тексеруден өтеді.

Егер науқаста медициналық көмектің саласы мен уақтылы көрсетілуі бойынша сұрақтар туындаса, онда емхананың Пациенттерді қолдау және ішкі аудит қызметіне немесе Қор филиалының fms.kz ресми сайты, 1406 байланыс орталығы, Qoldau 24/7 мобильді қосымшасы және Telegram-дағы SaqtandyryBot каналдары арқылы өтініш қалдыруға болады.

Д. АҚБАРОВА,
«Розақұл ата» ЖСШ медициналық орталығы директоры.
Сайрам ауданы.

ТАБИАТНИ ҒНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Хаёти ва мол-мулкени ёнғиндан муҳофаза қилиш – ҳар бир фуқаронинг бурчи. Айни кунларда қўқламғи ишларни бажариш чоғида, яъни эски чиқиндиларни ёқиб, сомонхоналарни тозалаётганда ёниб турган оловни эътиборсиз қолдириш асло мумкин эмас. Қолаверса, дуч келган жойда ўт ёқиб, ахлатларни ёндириш ҳам тақиқланади. Хўжаликлар ва ёзги

молхоналар асосан, шаҳардан ташқарида жойлашгани боис у ерларга ўт ўчириш машиналари дарҳқот етиб бора олмайди. Шунинг учун, сув ташишга мўлжалланган автомашина ёки уйда мавжуд бошқа техникадан ўт ўчиришда фойдаланиш мумкинлигини ёддан чиқарманг. Ҳар йили хўжалик раҳбарлари ва алоҳида шахсларнинг масъулиятсизлиги, ёнғинга қарши

қоидаларга риоя қилмаслиги оқибатда очиқ далаларда катта ёнғинлар содир бўлади. Бу табиатга катта зарар етказади. Ўрмон, тўқайзор ва далааларнинг олов ичра қовжираб ёнишининг асосий сабабларидан бири – масъулиятсиз шахслар ўт ёқиб, уни ўчирмай кетиб қолишди. Шабада туфайли очиқ жойда ёнғин зумда содир бўлади.

Табиатни асраш ҳар бир фуқаронинг вазифаси, буни унутмайлик.

Хўрматли фуқаролар! Ёнғин рўй берса, 101 ёки 112 телефони орқали зудлик билан хабар беринг.

Б. ДАРМЕНОВ,
ихтисослаштирилган гуруҳ раҳбари,
фуқаро муҳофафаси подполковниги.

◆ Тўйхат ўрнида МЕҲНАТНИ УЛУҒЛАГАН ИНСОН



Холиддин Мухиддиновни нафақат Сайрам туманида, балки Туркистон вилоятида жуда яхши билишади. У бундай обрў-эътиборга комсомол-партия, жамоат ишларидаги фаоллиги, раҳбарлик қобилияти, қўйингчи, заҳматли меҳнатлари эвазига эришган, албатта.

Муборак 60 ёшни қарши олаётган мақоламиз қаҳрамони Холиддин Мадали ўғлининг ҳаёт йўли, меҳнат фаолиятига назар ташлашни лозим топдик.

Х. Мухиддинов 1962 йил 16 апрель куни Жанубий Қозоғистон вилоят, Сайрам туманининг маркази – Оқсувкент қишлоғида таваллуд топган. Оиласи 1974 йилда Қорамурт қишлоғига қўчиб боради ва ўрта мактабни шу қишлоқда тамомлайди. Ҳаётда юксак чўққиларни қўзлаган билимга чанқоқ йигит 1984 йили Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаб, муҳандис-механик ихтисослигини эгаллайди.

Меҳнат фаолиятини 1984 йили Манкент транспорт корхонасида бошлаган Холиддин Мухиддинов меҳнатсеварлиги, жамоани бошқариш қобилиятига эгаллиги туфайли икки йилдан сўнг комсомол қўмитасининг котиби этиб сайланди. Ўша йилларда у туман бошланғич комсомол ташкилотлари орасида ёшлар онгига ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, мафкура ишлари, ёшлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшди.

1988 йилда у меҳнатсеварлигини намойиш этиб, Шимолий ўлкалар – Қўстанай, Целиноград вилоятларида ғалла ўримида қатнашади. Мавсумий ишларда ўзини кўрсатган ёш мутахассис “Астық-89”, “Астық-90” дипломлари, “Егін орағының үздігі-88” кўкрак нишони ва ҚР Автотранспорт вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

1991 йилда Х. Мухиддинов ВЛКСМнинг XXII съездида делегат этиб сайланади. 1998 йилда “Мирас” ширкат хўжалигига раҳбарлик қилади. Миллатлараро тотувлик, бирликка муносиб ҳисса қўшаётган қаҳрамонимиз туман ўзбек этно-маданият бирлашмасининг раиси вазифасини ҳам юксак даражада адо этади.

Х. Мухиддиновнинг раҳбарлик қобилиятини юксак баҳолаган туман раҳбарлари 2001 йилда уни Қорамурт қишлоғига ҳоким этиб тайинлашади. Унинг раҳбарлигида қишлоқда залворли ишлар амалга оширилди. Натижада 2003 ва 2006 йилларда Қорамурт қишлоғи саноат соҳасини тараққий эттириш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, қишлоқларни ободонлаштириш, ижтимоий-йўқсий тараққиёт кўрсаткичлари бўйича туманда пешқадам бўлди.

Холиддин Мадали ўғли ундан кейинги меҳнат фаолиятида ҳам ишбилармонлиги, меҳнатсеварлиги туфайли жамоада ҳурмат-эътибор қозонган. Унинг хайрия ишларида ҳам жонбозлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, Арисдаги портлашларда зарар кўрган юртдошларимизга ёрдам беришда фаол бўлди. Унинг эл-юрт равнақи йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, ўтган йили Х. Мухиддинов “Қозоғистон Мустиқчилигига – 30 йил” юбилей медали билан тақдирланди.

Бахтли оила соҳиби Холиддин Мухиддинов турмуш ўртоғи Насиба Отабек қизи билан икки ўғил, бир қизи муносиб тарбиялаб, уларнинг илм эгаллашларига шароит ва имконият яратиб беришди.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

◆ Амир Темур таваллудига 686 йил

Буюк соҳибқирон, йирик давлат ва жамоат арбоби, моҳир саркарда Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги қўшни Ўзбекистонда кенг нишонланиб, илмий ва маърифий тадбирларда ўз ифодасини топди. Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган маънавият, маърифатни улуглаб, эл-юрт манфаати, унинг равнақ топишида тарихий ўчмас ўринга эга ҳамда унинг келажаги учун улкан хизмат қилган бобокалонимизнинг сийратларига Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқандда ўтказилган халқаро илмий-маърифий анжуманларда назар солишга муваффақ бўлдик.

Буюк давлат ва жамоат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ўзлгимизни англаш, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга содиқ қолишдек улғувор ишларда халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келаятган буюк сиймолардан бири. Бугунги кунда Амир Темур ва Темурийларнинг миллий давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги буюк меросини ўрганишга бўлган интилиш жаҳон бўйлаб ўсиб бормоқда.

8-9 апрель кунлари буюк Соҳибқирон таваллуди муносабати билан ўтказилган анжуманларда халқаро Амир Темур жамғармасининг Қозоғистондаги бўлими раиси, ҚР ўзбек этномаданият бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамяти раиси Икромжон Ҳошимжонов раҳбарлигида бир гуруҳ вакиллар ҳам фаол иштирок этди.

Қозоғистонликлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси хореография академиясининг устоз ва талабалари билан учрашувда иштирок этишди. Унда икки давлат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантириш, қардош давлатлар ўртасидаги ҳамжихатлиқни мустаҳкамлаш кун тартибидagi муҳим масалалардан бири эканлиги ҳамда иқтисодий, маънавий, маданий алоқаларни янада ривожлантириш, дўстлик ришталарини чамбарчас боғлашга алоҳида урғу берилди. Учрашув поёнида академия ректори Шўҳрат Тўхтасимовга ҚР ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамятининг “Дўстлик” медали тақдим этилди.

ЎЗ Қўролли кучлар ака-

дими А. Хонхўжаевга эсдалик совғаларини топширди.

Эрта тонгдан Амир Темурнинг мағрур ва ғолибона сиймоси акс этган ёдгорлик пойидавлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, илм-фан дарғалари, ёзувчи ва шоирлар, ҳарбиilar, ёшлар юксак эҳтиром билан жам бўлишди. Ҳарбий оркестрнинг янги бағишлови бобокалонимизнинг сиймосига ҳурмат рамзи сифатида тўхфа қилинди.

Сўзга чиққан олимлар, ёзувчилар, зиёли ёшлар буюк давлат арбобининг серқирра ҳаёт йўли ва бетакрор ҳарбий санъати, шу жумладан, инсоний фазилатлари хусусидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Тантанали маросимда улуг аждодимизнинг шахси ва фаолиятига халқаро майдонда қизиқиш тобора ортиб бораётганига маърузачилар алоҳида эътибор қаратишди. Тантанادا тарихимизнинг бетакрор ва мухташам саҳифаларида ўзининг улуглиги, буюк инсоний фазилатлари, давлат бошқарувидаги донолиги ҳамда беназирлиги билан из қолдирган бобокалонимизнинг шахсиятидаги бетакрор қирралар тилга олинди, ҳақиқатлар эътироф қилинди.

Анжуманда иштирок этаётган ҳамюртимиз, Шимкентдаги Ҳамза номи мактабини тамомлаган, айнаи дамда, **Тошкент Давлат Шарқшунослик университетининг профессори, фан ривожига ҳисса қўшаётган олимларни етиштириб чиқараётган Адҳамбек Олимбеков** билан мулоқотда

ИЛДИЗЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

ғониш – Ренессанс даврнинг асосчиси сифатида ҳам ўрни ўзгачалиги олимларнинг маърузаларида эътироф этилди. Илм-фан, таълим, замонавий технологияларга асосланган билимни ривожлантириш тамоили Ўзбекистонда 3-Уйғо-ниш даврини бошлаб бергани Ш. Мирзиёев раҳбарлигидаги турли соҳаларда ўтказилаётган туб ислохотларда ўз аксини топаётгани ҳам ҳақиқат. Марказий Осиё минтақасида ҳаёт кечираётган қардошлар борки, темурийларнинг қолдирган бой илмий, маънавий меросидан илҳомланиб, ундан баҳраманд ҳолда, қамолга етиши аниқ. Келажак авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишида, улуг саркарданинг ҳарбий стратегияси эртамиз эгалари учун дастуриламал вазифасини ўтаётгани ҳам шубҳасиз.

– Журналимизда “Теран томирлар”, “Қардош халқлар адабиёти” деган рукнимиз бор, – дейди биз билан суҳбатда **“Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналларининг муҳаррири Сирожиiddин Рауф**. – Қўшни давлатлардаги, қардош халқлар ижодида ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Журналимизнинг 90 йиллик байрамлари давом этапти. Унинг саҳифаларида қозогистонлик дўстларимиз ижодидан намуналар, мақолаларини бериб бораёلمиз. Масалан, Улугбек Есдавлатнинг таржималарини беряпмиз. Унинг Амир Темур тўғрисидаги драмасини Фахриёр таржимасида тайёрлаяпмиз. Бугунги анжу-



кунда Нурали Қобул ўзининг ўндан зиёд романларини Амир Темурга бағишлади. Жуда кўп олимларимиз илмий асарлар, шеърый асарлар яратишяпти. Бунинг бир жиҳати борки, ўз тарихимизни ўзимиз яратишимиз керак. Ўтган аср – 1996 йилда мазкур ҳайкал ўрнатилган бўлса, мана шундан буён Соҳибқирон хотирасига бағишланган анжуман анъана-вий тарзда ўтказилади. Қозогистонлик меҳмонлар орасида буюк Соҳибқирон ролини қойил мақом ижро этган қадрли меҳмонимизга раҳмат, у ҳақида алоҳида кўрсатув уюштирсак, нур устига нур бўларкан. Бу – буюк аждодларимизга бўлган эҳтиромни англатади.

Бу ёш авлодни она ватанига муҳаббат, улуг аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Бугунги тадбир ҳақиқатан ҳам тарихга муҳрланадиган онлардан биридир, – дейди биз билан суҳбатда **Чирчиқ шаҳар қозоқ маданият марказининг раиси Жақсилиқ Жўриқбаев**, – Соҳибқирон бутун Мовароуннахр маърифати, маданияти, ҳарбий санъати ва бошқа кўп соҳалар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир инсонлар. Унинг хотираси қалбларда фахр туйғусини уйғотиши керак. У нафақат ўзбек, балки бутун туркнинг бош бўғини ҳисобланадилар. Ва туркий халқлар авлодларининг кимлиги билан доим фахрланиб юришлари даркордир.

– “Жанубий Қозоғистон” газетаси журналистининг бугунги тадбирда иштирок этаётганидан мамнунман, – дейди на-батдаги суҳбатдошимиз **таниқли журналист, олима Хулқар Ҳамроева**, – Қозогистондаги ягона давлат газетасининг 30 йиллик тўйи борасида радиоэшиттириш ҳам тайёрлаганимиз. Қозогистонлик ўзбек ижодкорлари ҳақида туркум эшиттиришлар тайёрлаш анъанага айланган. Ўзбек адабий тиллимизнинг софлигини сақлаб қолишда туркистонлик миллатдошларимизнинг роли катта, деб ҳисоблайман. Мамлакатимизда, туркистонлик олимларнинг фаолиятида ҳам ўзгача шуур, ўзгача нур борлигини кўриш мумкин. Тўғриси-ни айтганда, Ўзбекистондаги энг ўз ва кучли олимларнинг аксари Туркистон минтақасидан. Масалан, Иристой Қўчқортоев, Ирисали Тошалиев, Бахтиёр Исабеков каби домлаларимиз ўзбек тилшунослигида услубиятнинг гўзал намуналарини яратган инсонлардан. Қозогистонлик ўзбекларда қадим илдизларимиз сақланган, шу боис уларнинг она тилига бўлган муносабати ҳам мени

жудаям қувонтиради. Анор-той ака Йўлдошевни жуда қадрлайман. Ҳозир, мана ёшларимизни турли тилларни ўрганишяпти, турли тилларда ижод қилишяпти. Тилни ўрганиш мумкин, бироқ унинг руҳиятини ҳис этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳис этиш учун эса тилнинг қадимий илдизларини билиши керак ва улар билан ўзини туташган ҳолда англамоқ жоиз. Шундагина тилнинг ички жозибасини ўз асарларида намоён этиб беришлари мумкин. Тилнинг гўзаллигини мақтаймиз, ташбеҳларини мақтаймиз, тасвирий воситаларини мақтаймиз, лекин уларнинг биронтасини ҳам қадимий илдизларидан айро ҳолда тадқиқ қилиб бўлмайди. Тилшунослик фанига улкан ҳисса қўшган туркистонлик олимларимизда тилни ҳис қилиш идрокини ҳис этман. Миртемир домла ҳақида гапиргим келади. Унинг “Она тилим” деган шеъри она тили ҳақида ёзилган шеърларнинг энг мукаммали, гултожи деб биламан. Миртемир домла шеърларини қадим илдизлари билан бирга, соф туркий сўзлар билан, соф туркий муҳаббат билан намоён қилганлар.

Халқаро Амир Темур жамғармасининг Қозогистон бўлими раиси Икромжон Ҳошимжонов:

– Соҳибқирон Амир Темурнинг 686 йиллигига бағишланган барча тадбирларда иштирок этапмиз. Унинг келажак авлодга қолдирган маҳобатли меъморчилик санъати намуналари кўзимизни қамаштиради, ўша даврнинг ноёб бунёдкорлик санъатидан далолат беради. Уларнинг ичидаги гултожи қадимий Ясси, Ҳозирги Туркистон шаҳридаги А. Яссавий мақбараси қад кўтариб турибди. Бугунги кунда мазкур мақбара юртимизга ташриф буюраётган бутун дунё жамоатчилиги, сайёҳларнинг эътиборини ўзига жаллагани бежиз эмас.

Моҳир саркарда ҳамда соҳибқирон шахсиятига бағишланган илмий, маърифий тадбирдан сўнг турли давлат ва жамоат арбоблари, ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан эҳтиром рамзи сифатида буюк саркарда ҳайкали пойига гулдасталар қўйилди. Сўнг темурийлар тарихи давлат музейида сангага бағишланган тадбирлар давом этди, шу жумладан, “Тасвирий санъатда – Темурийлар ренессанси” деб номланган кўргазмаси ўтди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



демиясида ҳам Соҳибқирон таваллудига бағишланган анжуманда иштирокчилар ҳам онлайн ҳам офлайн тартибда қатнашишди.

И. Ҳошимжонов академия тингловчилари ҳамда турли давлатлар вакилларининг хузурида “Соҳибқироннинг Россия ва Ўрта Осиё халқлари тақдиридаги фаолияти” мавзуида маъруза қилди. ҚРда хизмат кўрсатган маданият ходими Абубакир Хонхўжаев ижросидаги Соҳибқироннинг монологи тингловчиларни жунбушга келтирди. Академия ректори Бобур Шоёкубов учрашув сўнггида олийгоҳ тадбирида иштирок этаётган қозогистонлик вакилларга миннатдорчилик изхор қилиб, тарихимизда ўз ўрнига эга жаҳонгир ва жаҳон тан олган саркарданинг ҳаёт йўли ёшларнинг қамол топишида, уларда ватанпарварлик руҳининг шаклланишида муҳим омиллардан бири эканлигига алоҳида тўхталди. Мамлакатга малакали ҳарбийларни тайёрлаётган илм маскани раҳбари Б. Шоёкубов ҚРда хизмат кўрсатган маданият хо-

илм дарғасининг Соҳибқироннинг дунёда тутган ўрни бора-бора суҳбатлашдик.

– Дунёда Амир Темур ҳақида ёзилган асарларнинг сони тахминан 6 мингдан ошди. Энди эътибор қилинг, нима учун Амир Темур шахсига қизиқиш мавжуд? Нима учун ёзилапти? Масалан, Ғарб адабиётининг энг буюк намояндалари ҳам Амир Темур тўғрисида ёзганлар. Гётенинг “Ғарбу Шарқ деган илк китобини “Буюк Темур ва бошқа шеърлар” деб номлаган. Марсель Брион, таниқли фанранг адабиётшунос, романна-всининг “Менким Соҳибқирон Жаҳонгир Темур” деб номланган асари оламга таниқли – бундай ижодий ишларни ўнлаб эмас, юзлаб келтиришимиз мумкин. Ҳаммасининг замирида Амир Темур шахсига нисбатан ҳурмат мужассамлигига амин бўламиз.

Тарихда ўчмас из қолдирган буюк саркарда инсоният тарихига нафақат буюк давлат асосчиси, иккинчи Исмоий Уй-

манни олайлик, бобокалонимиз туркий халқларнинг фахруифтихори. Биз вақтлар Турон империясига асос солган, ҳозирги 28 давлат худудида ҳукмронлик ўрнатганлар. Унинг сиймосида юксак шахсият бор. У нафақат саркарда, у киши буюк давлат арбоби, адабиёт, санъат, маданият ривожига қатта ҳисса қўшган шахс. Тарихимизни ҳаққоний ёзишга алоҳида эътибор берганлар. Шарофиддин Али Яздий асаридagi бўрттиришларни кўриб, ўзлари ҳаётигида бунга эълон қилмаганлар. Илм-фан, бунёдкорлиқни ривожлантириш баробарида, адабиёт ихло-с-манди бўлганлар. Амир Темур ҳақида асарлар яратилляпти. Биз бу асарларни ёшларимизга бадиий талқин билан етказишимиз жоиз. Муҳаммад Алининг Амир Темурга бағишланган тўрт жилдli асари эълон қилинди. Даставвал, буюк халқда Амир Темур шахсига нисбатан ҳурмат мужассамлигига амин бўламиз.

Тарихда ўчмас из қолдирган буюк саркарда инсоният тарихига нафақат буюк давлат асосчиси, иккинчи Исмоий Уй-

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда руҳхатга олиниб, КЗ34ВРУ00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри, "Жаңа қала" кичик тумани, 11-кўча, 26-бино, 3-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55. Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 12000 нуска. Бюджет: 971.

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Директор – Бош муҳаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — **Шомирза МАДАЛИЕВ**. 8(72533) 2-40-07. Тўлбей — **Баҳорой ДҮСМАТОВА**. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — **Хуршид ҚўЧҚОРОВ**. +7-701-447-37-42.

Сайрам — **Мухтабар УСМОНОВА**. +7-707-257-97-36. Тупкибош — **Мунира САЪДУЛЛАЕВА**. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — **Зокиржон МҮМИНЖОНОВ**. +7-702-278-96-90

Қозогистон Республикасида тарқатилади.